Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

17 сентябрь, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 194 (1711)

## ЖАРРОҲЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ «ВОҲИДОВХОНЛИК» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

*Азиз дўстлар!*

*Жарроҳларнинг иккинчи анъанавий «Воҳидовхонлик» илмий-амалий конференцияси иштирокчиларини самимий қутлайман. Анжуманнинг истеъдодли жарроҳ, ноёб жарроҳлик илмий марказининг бунёдкори Восит Воҳидович Воҳидов туғилган куннинг 80 йиллиги арафасида ўтаётгани ҳам рамзий маъно касб этади.*

*Восит Воҳидовнинг жарроҳлик фани ва амалиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси бебаҳодир. У ишлаб чиққан ва ҳозир амалиётда кенг қўлланилаётган даволаш технологияси Ўзбекистондагина эмас, кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам фаол жорий этилмоқда. Академик Воҳидов ўнлаб, юзлаб истеъдодли шогирдларни тарбиялаб, камолга етказди. Улар юрак ва томирлар бўйича мураккаб операцияларни амалга ошириб, минглаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолмоқда. Академик Воҳидов барпо этган илмий марказда биринчи марта ўтказилган «Воҳидовхонлик»дан кейиноқ 3,5 мингдан ортиқ нодир операция ўтказилди, бу ерда 50 мингга яқин киши шифо топди.*

*МДҲ мамлакатлари жарроҳлик фани ва амалиётининг энг таниқли вакиллари тўпланган мазкур анжуман юрак-қон томирлари тизими касалликларини даволашнинг самарали усулларини излаб топишга кўмаклашади, сизларнинг билим ва маҳоратингизни бу хасталикка қарши курашнинг янги тажрибаси билан бойитади, деб ишонаман.*

*Барчангизга инсон сиҳат-саломатлиги йўлидаги машаққатли меҳнатларингизда муваффақиятлар тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — ИНГЛИЗ ТИЛИДА




Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Зеро, асарда кўтарилган долзарб масалалар нафақат ватандошларимизни, балки бошқа мамлакатлар аҳлини ҳам бефарқ қолдирмайди. Китобда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган муносиб ўрни, мавқеи, улуғ вазифаларни амалга оширишга қаратилган тараққиёт йўли теран илмий асосда баён этилган. Жаҳон ҳамжамияти янги аср бўсағасида дуч келаётган муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ечимига бағишланган ушбу китоб кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, йирик сиёсий арбоблар, олимлар, иқтисодчилар томонидан чуқур ўрганилмоқда.

Буюк Британиянинг машҳур «Керзон Пресс» нашриёти Ислом Каримовнинг мазкур китобини инглиз тилида кўп нусхада нашр этди. Бу дунё жамоатчилигини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эркин, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида қилинаётган тарихий ўзгаришлар билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.




**(ЎзА).**

## • ШУКРОНА

## ҚЎШНИЛАР ҲАВАС ҚИЛМОҚДА...

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Яқинда шоду хуррамлик билан истиқлолнинг олти йиллигини халқимиз кенг нишонлади.

Байрамга чиққан одамларнинг чеҳрасидаги нурни, оқсоқоллар шукронасию болаларнинг севинчини кўриб, очиқ гап, кўнгиллар яйраб кетди. Бу бежиз эмас, албатта. Ўтган қисқа вақт ичида ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар қисмати шу юртга пайваста бўлган ҳар бир кишининг юрагида ифтихор уйғотади. Ва энг муҳими, ана шу ўзгаришларга ҳар биримизнинг меҳримиз, меҳнатимиз сингмоқда.

Биргина мисол: туманимизнинг Тожикистон Республикасига туташ саксон минг гектардан ортиқ Баландчақир ҳудуди яқин ўтмишда қаровсиз қолиб кетган, сувсизлик туфайли боғ-роғлар қуриб, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган жойларга айланган эди. Шунинг оқибатида одамлар ота-боболари яшаб келган қишлоқларни ташлаб, кўчиб кета бошлашди.

Ҳурриятдан кейин баландчақирлиқлар кўнглида ҳам эртанги кунга умид ва ишонч уйғонди. Чунки ўтган йиллар ичида ўндан ортиқ мактаб бинолари қуриб битказилди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ синф хоналарида ўғил ва қизларимиз сабоқ олишмоқда.

Тўртта насос станцияси ишга туширилди, Сирдарё суви деярли минг метр баландликка, 54 километр узунликка кўтариб берилди ва тарих мобайнида оқар сув нималигини билмаган бизнинг ҳудуд ҳам тоза ичимлик суви билан таъминланди.

74 километр масофага газ қувурлари тортилди, Аллоҳга шукрки, бизнинг ўчоқларимизда ҳам табиий газ ёна бошлади. Шундай хурсандчилик кунлар келиши ҳатто тушимизга ҳам кирмаган эди. Албатта, буларнинг барчаси истиқлол шарофатидандир.

Баландчақир қишлоғида тиббий марказ, замонавий бозор, Пучуғой қишлоғида компьютер билан жиҳозланган 740 ўринли замонавий мактаб ишга туширилди. Венклер фирмасининг замонавий ускуналари билан жиҳозланган нон цехи тайёрлаётган неъматлар дастурхонимизни безай бошлади. Ҳар қандай кишини ҳайратга соладиган бу ўзгаришларни кўриб, тожикистонлик биродарларимизнинг ҳам бизга, юртимизга ҳаваси келмоқда.

Кўз ўнгимизда содир бўлган бу ўзгаришларни «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» -- деган даъватингизнинг амалий кўриниши деб биламиз.

Истиқлол ишига ҳисса қўшиш, уни авайлаб-асраш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз, иймон ишидир.

Халқимиз тинчлиги, осойишталиги, юртимиз озодлиги, ободлиги, келажак насллар бахт-саодати йўлидаги эзгу ишларни амалга оширишда асло толманг, Аллоҳнинг ўзи Сизга мададкор бўлсин!

Оқсоқоллар номидан:

**И. СУЛТОННАЗАРОВ, Қ. МАНСУРОВ,**
**А. РАҲИМОВ, Ш. ҚЎЛДОШЕВ,**
**Ҳ. ҲАМДАМОВ ва бошқалар.**
**Сирдарё вилоятининг Ховос тумани.**

## ЮРАК ЖАРРОҲЛИГИ: БУГУН ВА КЕЛАЖАКДА

***17 сентябрда академик В. Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий марказида «Воҳидовхонлик» илмий-амалий конференцияси бошланди. Анжуман арафасида «Халқ сўзи» газетаси мухбири М. Сафаров шу марказ мутахассислари, профессор, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Дарвин Содиқович Ғуломов ҳамда табобат фанлари доктори, профессор Маъруф Муҳаммаджонович Маҳмудов билан учрашиб, ана шу мавзуда суҳбат қилди.***

-- Табобат соҳасида бошланаётган бу улкан илмий-амалий анжуман «Воҳидовхонлик» деган ном остида ўтаётир. Турган гап, муштарийларимизни аввало анжуманнинг бундай номланиши сабаблари, қолаверса, бу йиғилиш олдида қандай мақсад ва вазифалар турганлиги қизиқтиради.

**Д. ҒУЛОМОВ:**

-- Маълумки, академик В. Воҳидов Республикамизда юрак жарроҳлиги (кардиохирургия) соҳасининг ривожланишига асос солган атоқли олим ва довруқли жарроҳ эди. Шу боисдан, мана, иккинчи йилки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг махсус Фармонига биноан академик В. Воҳидов хотирасига бағишлаб жарроҳлик фани ва амалиётининг энг мухим масалалари юзасидан йиллик анъанавий конференциялар ўтказилмоқда. Бу йилги анжуман ўтаётган кунларда Илмий марказимиз жамоаси В. Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлайди. Унда МДҲ ва Болтиқбўйидаги тўққиз давлат олимлари ва жарроҳлиги вакиллари қатнашади. Анжуманга 300 га яқин маъруза ва қўшимча маъруза тезислари тавсия қилинган. Конференцияда юракнинг туғма нуқсонлари жарроҳлиги, қон томир жарроҳлиги ва коронар (тожтомир) жарроҳлиги муаммолари бўйича янги ғоялар ва янги амалий тажрибалар баён қилинган маърузалар тингланади.

**М. МАҲМУДОВ:**

-- Дарвин Содиқовичнинг фикрларига бир оғиз қўшимча шуки, конференциянинг ўтказилишига дунёга машҳур «Филлипс» (Германия) ва «Гедеон Рихтер» (Венгрия) фирмалари ҳомийлик ёрдамини кўрсатмоқда ва биз, анжуман ташкилотчилари уларнинг Ўзбекистондаги вакиллари бўлган жаноб О. И. Ҳасанбоевга ва Е. В. Ловцева жанобаларига миннатдорчилик изҳор этамиз.

-- Дунё кардиохирургиясининг катта армияси қаторида мустақил республикамизнинг истеъдодли мутахассислари борлиги бизни қувонтиради. Бу жуда қийин, мураккаб соҳанинг катта бир гуруҳ заҳматкашлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли акад. В. Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий марказида меҳнат қилмоқдалар. Энди шу йирик илм даргоҳининг фаолияти тўғрисида батафсилроқ гаплашсак.

**Д. ҒУЛОМОВ:**

-- Илмий марказда бир неча бўлимлардан иборат юрак жарроҳлиги фаолият кўрсатмоқда. Бўлимларнинг бирида туғма юрак хасталиклари билан шуғулланилаётган бўлса, бошқасида бод (ревматизм) натижасида орттирилган юрак хасталикларини жарроҳлик йўли билан тузатишга ҳаракат қилинмоқда. Учинчи бўлим яқинда ташкил этилиб, унда кенг тарқалган юрак кам қонлиги (ишемик) касаллиги асоратларини жарроҳлик усулида даволаш ишлари билан шуғулланилмоқда. Бундан ташқари, юрак урушининг бузилиши, яллиғланиш натижаси бўлган юрак халтаси касалликларининг жарроҳлик воситасида бартараф этилишини беморлар дардига шифо топишнинг яна бир имконияти, деб аташ мумкин.

1953 йилда кўкрак қафаси жарроҳлиги соҳасида доцент, кейинчалик профессор Восит Воҳидовнинг муваффақиятли олиб борган операциялари кейинчалик юрак жарроҳлигининг бошланишига туртки бўлди. 1960 йилларга келиб ҳақиқатда ўша йиллар учун қаҳрамонлик туюлган юрак операциялари бошланиб кетди. Аввалига албатта «берк» усулда бажарилган очиқ артериал найчанинг боғланиши, оғир бўлган тетрада Фалло аномалиясида аҳволни бир мунча енгиллаштирадиган операциялар, аорта коартакциясини йўқотиш ва кенг тарқалган бод касаллиги асорати бўлмиш митрал стенозини инструментал кенгайтириш операциялари бирин-кетин муваффақият билан бажарилди. Ҳозирдаги илмий жарроҳлик марказига кўчирилган юрак жарроҳлиги бўлимида 1975 йилдан бошлаб режали равишда аввалига «берк» усулида, кейинчалик эса умумий гипотермия (яъни, тана ҳароратини камайтириш) шароитида бир қатор жарроҳлик ишлари қилинди. 1976 йилдан бошлаб эса сунъий қон айлантириш йўли билан туғма бўлмачалар аро девор нуқсонлари, ўпка артерияси қопқоқчалари торайишини тузатиш, жарроҳлик маҳорати ошган сари мураккаброқ юрак нуқсонларини йўқотиш амалиётлари амалга оширилди.

**М. МАҲМУДОВ:**

-- Юрак жарроҳлигининг яна бир асосий қисми бўлган юрак урушининг бузилиши (аритмия) ҳолатида жарроҳлик амалиётларини бажариш ҳам бизнинг Марказимизда кенг йўлга қўйилган. Ҳозиргача бу касалликдан 1300 дан ортиқ бемор даволанди. Юрак уруши бузилишида асосан брадикардия (яъни юрак урушининг камайиши) шакли кўпроқ учрайди. Бундай беморларни даволаш учун электрокардиостимулятор ўрнатиш, эндовазал усулда, микоардиал услубда, охирги йиллар ютуғи ҳисобланган «деманд» тизимида ишлайдиган юрак электр стимуляторларини ўрнатиш каби амалиётлар бажарилмоқда. Келажакда эса юрак уруши бузилишининг тахикардия шаклидаги жуда мураккаб хилларини жарроҳлик усулида даволаш ҳам албатта кенг йўлга қўйилади. 1990 йилда Болтиқбўйи республикалари мутахассислари билан биргаликда бажарилган бир қатор жарроҳлик амалиётлари жуда яхши натижа берган эди. Ҳозирги кунларда шу йўсиндаги изланиш, илмий тадқиқотлар давом этмоқда. Келажакда бу мураккаб операциялар ҳам бизнинг марказ кардиохирургия хизматида муносиб ўрин эгаллайди.

**Д. ҒУЛОМОВ:**

-- Ҳозирга келиб барча, қилинган операциялар сони 9300 тадан, «очиқ» усулдаги амалиётларнинг сони эса аллақачон 1500 тадан ошиб кетди. Олиб борилаётган назарий , илмий ва амалий тадқиқотлар қўлга киритилган натижаларни янада такомиллаштириб, келажакда бундан ҳам мураккаброқ бўлган юрак ва бошқа органларни кўчириб ўтказиш каби оламшумул операцияларни бажариш даражасигача кўтарилишимизга имкон яратади, албатта.

Бизнинг буюк халқимиз энг ривожланган, ажойиб натижаларга эга бўлган кардиохирургияга муҳтож ва бу соҳада кенг кўламдаги хизматга лойиқ халқдир. Бу юксак мақсадлар албатта рўёбга чиқади, деб ишонамиз.

## ЖИЗЗАХДА «ИСТИҚЛОЛ» БОҒИ

***Жиззах вилоятида шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш ишларига катта эътибор берилмоқда.***

Йил бошидан буён ана шу ишларга 2,7 миллиард сўмликдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Вилоят маркази -- Жиззах шаҳри йилдан-йилга кўркамлашиб бормоқда. Куни кеча бу ерда 12 гектар майдонни эгаллаган «Истиқлол» боғи очилди. Унда 1,5 минг ўринли «Ёшлик» форуми, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Бахт уйи», чойхона, фаввораli хиёбонлар мавжуд. «Истиқлол» боғини бунёд этишда «Жиззахчўлқурилиш» бирлашмаси, «Жиззахсавдо» концерни, вилоят сув қурилиш трести ва ўрмон хўжалиги жамоаси, шунингдек, шаҳардаги 50 дан зиёд корхона ва фирмалар ҳиммат кўрсатди.

«Истиқлол» боғи очилиши муносабати билан бу ерда йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди.

Маросимда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**(ЎзА).**

Бутун мамлакатдаги сингари Жиззах вилоятида ҳам бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳосилни қисқа муддатда нес-нобуд қилмай саранжомлаб олиш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим? Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу масалага бағишланди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари, деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналари вакиллари ва мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Сўзга чиққанлар бу борада муайян ишлар бажарилганини қайд этиш билан бирга асосий эътиборни мавжуд камчиликларга тездан барҳам бериш зарурлигига қаратди.

## • «ПАХТА -- 97»

## ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Маълумки, вилоятда ишчи кучига эҳтиёж катта. Шу боис, ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан техника воситаларидан самарали фойдаланилишига боғлиқ. Ваҳоланки, жойларда ғўза баргини тўктириш ишлари суст амалга оширилмоқда. Мавжуд терим машиналарининг ҳаммаси ҳам тўла шай ҳолга келтирилган эмас. Вилоятнинг Зомин, Мирзачўл, Зарбдор туманларида бу ишлар айниқса оқсамоқда.

Мавсумда теримчилар ва механизаторлар учун зарур маданий-маиший, тиббий ва савдо хизмати кўрсатишни намунали ташкил этиш айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса барча даражадаги раҳбарлардан ана шу ишларда уюшқоқлик, юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатиб ишлашни тақозо этади.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев қатнашди.

**(ЎзА).**

## КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНЛАНДИ

**Тошкентда икки кун давом этган «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференция 16 сентябрь куни ўз ишини якунлади.**

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш, фақат минтақа хавфсизлиги учун эмас, балки халқаро хавфсизлик тизимини яратишда ҳам муҳим қадам бўлажаги шубҳасиз.

Хусусан. мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш ғояси минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган тадбирларга тўла мос келишини алоҳида таъкидлади.

Анжуманнинг иккинчи иш кунида «Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома талабларини белгилашда ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда МАГАТЭнинг роли» мавзуида маърузалар тингланди. Шунингдек, иштирокчи томонлар конференция якунлари бўйича ўз баёнотларини ўқиб эшиттирди.

Шу ўринда айтиш керакки, мазкур конференцияда ўқилган маърузалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар жаҳонда оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш ва ядро қуролидан холи зоналарни яратиш йўлида давлатлараро ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда иштирок этган эллик олти мамлакат ва йигирмага яқин халқаро ташкилот вакиллари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш ғоясини қўллаб-қувватладилар. Хусусан, қирғизистонлик вакиллар мазкур масала бўйича Бишкекда «Ядро клуби» вакиллари иштирокида халқаро экспертлар гуруҳининг учрашувини ўтказишни таклиф қилди. Ушбу ташаббус конференция иштирокчилари томонидан қизғин кутиб олинди.

Конференциянинг якуний қисмида сўзга чиққан БМТ Бош котибининг ўринбосари В. Петровский ядро қуролини тарқатмаслик, экологик муаммоларни бартараф этиш ва минтақавий тинчлик тизимини мустаҳкамлаш мақсадларида ўтказилган мазкур анжуман бу йўлдаги умумий жараён тобора фаоллашиб бораётганини яна бир карра исботлайди, деб таъкидлади.

Анжуман якунида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов конференция қатнашчиларига миннатдорлик изҳор қилар экан, Ўзбекистон ҳукумати барча иштирокчи мамлакатлар билан минтақавий хавфсизлик тизимини яратиш ва ядро қуролини тарқатмаслик йўлидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини айтди.

Конференциянинг ёпилиш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Халқаро конференция иштирокчилари шу куни Самарқанд зиёратига жўнаб кетди.

**(ЎзА).**

## САМАРҚАНДГА ТАШРИФ

Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё -- ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари Самарқандга келди.

Меҳмонлар Самарқанддаги кўҳна тарихий ёдгорликларни ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўздан кечирдилар. Шунингдек, улар самарқандлик ҳунармандлар томонидан тайёрланган халқ амалий санъати буюмлари савдо кўргазмасини, маҳаллий санъаткорлар, фольклор-этнографик дасталарининг концерт дастурларини ҳам томоша қилишди.

Самарқандга ташриф чоғида меҳмонларга ташқи ишлар вазири А. Комилов, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев ҳамроҳлик қилди.

**Ҳ. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## • МУНОСАБАТ

## ЯДРОСИЗ ҲУДУД — ИНСОНИЯТ ОРЗУСИ

**Халқаро конференция ўз ишини якунлагач, мухбиримиз анжуман иштирокчиларидан бир нечтаси билан суҳбатлашди.**

**Е. КОЖОКИН, Россия Федерациясининг стратегик тадқиқотлар институти директори:**

-- Бу конференция муҳим ҳудудий аҳамиятга эга. Муҳимлиги шундаки, ер юзида ядро хавфини камайтиришга, ядро қуролларини чеклаш ғоясини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиёдаги бешта давлат ташқи ишлари вазирларининг бу борада ҳужжатлар имзолаганликлари ҳам халқаро аҳамиятга молик бўлди. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона қилиш ғоясининг амалга ошиши учун шарт-шароит етарли деб ўйлайман. Бу энг аввало нималарда кўринади? Биринчидан, Марказий Осиё давлатлари ўртасида барқарор ҳамкорлик ўрнатилган. Бу давлатлар азал-азалдан қон-қариндош. Иккинчидан, Марказий Осиё ҳудудида ядро қуроллари йўқ, ишлаб чиқарилмайди. Яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, бу ғоянинг амалга ошиши нафақат шу ҳудуддаги давлатлар манфаатларига мос келади, балки Россия ҳам бундан манфаатдор.

**Е.ИДРИСОВ, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари:**

-- Ядро қуролларини чеклаш, ядросиз ҳудуд ташкил этиш ғояси Қозоғистон халқи учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ядро қуролларига ўзининг салбий муносабатини билдирди. Қозоғистоннинг бундай очиқ-ойдин нуқтаи назари халқаро ҳамжамият томонидан қизғин маъқулланди. Қозоғистонда узоқ йиллар ядро полигонларининг ишлагани, йирик кўламдаги ҳарбий дастурларнинг амалга оширилгани ҳамдўстлик мамлакатлари билан яқин ҳамкорликда ядро қуролларини чеклаш, тарқатмаслик ғоясини амалга оширишга, хулоса чиқариб олишга туртки бўлди.

Хабарингиз бор, бундан олти йил илгари дунёда биринчи марта Семипалатинск ядро полигони ёпилган эди. Ядро қуролларини чеклаш, тарқатмаслик учун галдаги вазифаларни бажариш вақти келди. Марказий Осиёни ядро қуроллардан холи ҳудуд қилиш ғоясини амалга ошириш вазифаси ҳам шулар жумласидандир.

Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар қатори Қозоғистон ҳам бу ғояни ҳаётга татбиқ этиш борасида босқичма-босқич қадам ташлаяпти. Шу йилнинг 8-12 сентябр кунлари Алмати ва Курчатовда ўтказилган ана шу мавзуга бағишланган халқаро конференция фикримизга далил бўлаолади.

Шу ўринда Тошкент халқаро конференцияси ҳам бу борада янги қадам бўлади, халқларнинг ядро қуролидан холи ҳудудда яшаш, яратиш , меҳнат қилиш хоҳишини ўзида ифода этади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

# БИЗДАН НИМА ҚОЛАДИ?

**Чамаси, 1996 йил бўлса керак, Бухородаги учрашувларида Ислом Каримов дунёнинг ҳаракати ҳақида фалсафий-ҳакимий мушоҳадаларини баён этаркан, ҳаммамиз ўтиб кетамиз, нима қолади наслларга, Ватанга биздан? - деган саволни қўйиб, ўйланган эди. Инсон - Ватан - Мустақиллик тушунчалари устида хаёлга толсам, қайта-қайта яна шу саволга дуч келаман. Илгари жуда оддий, содда бўлиб кўринган, беш қўлдай равшан туюлган нарса-ҳодисалар устида бошқатдан фикр юритиш, уларни бошқатдан яхшилаб мулоҳаза қилиб кўриш заруратини ҳис этаман.**

Одам нима учун азиз?

Одамни нима азиз қилди?

Гапнинг эгасини қўймай туриб шундай сўзларни ёзгим келади:

**Сени**
**Мени**
**Уни -**

Ҳаммамизни азиз қилди.

Одамни нима энг азиз қилиши мумкин?

Неча турфа тушунчалар бериш мумкин бу саволга. Лекин инсоният тажрибаларида тўпланган жавоблардан биттаси менга жуда ёқади.

**ИСТИҚЛОЛ —**
**сени**
**мени**
**уни —**

ҳаммамизни азиз қилди. Ватан учун азиз қилди. Юрт учун азиз қилди. Инсоннинг ўзини ўзи учун азиз қилди. Инсонни инсонлар олдида азиз қилди. «Азиз қилди», деган сўзимни изоҳлашга эҳтиёж сезаман. Сенга муҳаббатли юртдошим, «азиз қилди» деган сўзимни тушунтириб, шарҳлаб берайми?

Юртинг тупроқларини ёв эгаллаб олган ўтган замонларни эслагин: ўзингдан ўша замонларда ҳуқуқим бормиди? - деб сўрагин. Кейин бунга жавобингни айтмасдан туриб, яна: эрким бормиди? - деб ҳам сўрагин ўзингдан.

Қай бир ҳуқуқларим ўзгалар қўли билан дафтарларда ёзилган бўлса-да, лекин қадамим, ихтиёрим «Тўйтепадан нарига» ўтмас эди, деб тан олишдан тортинмагин. Сени истибдод деворлари ичида тортинчоқ қилиб қўйганлар. Тортинчоқ бўлиб қолганингга боис:... Сен ҳамиша бир қадар равнақ топиш, инсоннинг тинмай ўсиш-унишига бўлган эҳтиёжларини қай бир тарзда бўлмасин қондириш учун ўз тилинг, ўз маданиятинг, ўз тарихингни эмас, ўзга ҳукмрон тил, ўзга ҳукмрон маданият ва ўзга ҳукмрон, қаҳри қаттиқ мафкурани ўрганишинг керак эди. Шуларни ўрганмасанг, бошинг олтиндан бўлса ҳам, шан-шавкатинг уйингнинг томидан нарига ўтмас эди. Дунёга бир амаллаб чиқсанг, сени танимас, Ўзбекистонданман, ўзбекман, десанг, «а, рашен?» - деб сени тушунгандай бўлардилар.

*Неча-неча бора*
*бу ҳолга дуч келгансан, жигарим!*
*Неча-неча бора*
*йиғламоқдан*
*бери бўлгансан,*
*шакарим!*
*Шу билан тугар*
*эди*
*сени таниш!*
*Шу билан тугар эди*
*сени билиш!*
*Шу билан тугар эди*
*сени англаш!*
*Нон, туз, газеталар,*
*гугуртлар жуда арзон эди.*

**Сен**
**Мен**
**У**

Ҳаммамиз-шу арзонларга «учиб» ўз сиёсатимиз йўқлигини унутар эдик.

Истибдод бизни шу арзончиликларнинг қўғирчоғига айлантириб қўйганлигини мулоҳаза қилиб ўтирмас эдик. Ўзимизни ватанпарвар деб билар, ватанпарварона шеър, достонлар битар. Ҳақиқий Ватан эса ўзгалар ихтиёрида поймол бўлиб ётарди.

Арзончилик жуда тотли нарса. Лекин нималар ҳисобига арзончилик бўлганлигини ўйласанг, этинг жимирлашиб кетади. Геродотнинг «Тарих»ида пан аждодларимиз скифлар (қипчоқлар) ҳаётидан шундай ривоят келтирилган:

Скиф эрлар Европа томонларда жангларда юра-юра бир неча йилларни ўтказиб ватанларига қайтсалар, уларнинг қуллари аллақачонлар хонадонларини эгаллаб олишган экан. Қуллар скифларни уйларига, юртларига қўймайдилар. Неча вақт жангу жадаллар давом этади. Скифлар қулларини енголмайдилар. Шунда улардан донишмандроғи чиқиб: «биродарлар, қулларимизни жанг қилиб енголмадик. Энди бошқа йўл тутишга тўғри келади. Эртага ҳаммамиз қуролларимизни ташлаб майдонга қамчиларимизни кўтариб тушамиз», - деб маслаҳат солади.

Скифлар эртасига жанг майдонига ўқ-ёйлар эмас, қамчиларини кўтариб кирадилар. Қуллар бундан ҳангу манг бўлиб қоладилар. Ва дарҳол жанг майдонини тарк этиб, уй-уйларига тарқаладилар. Қамчини кўрса қулнинг эсига қуллиги тушар экан...

Бизни ўтмишда «қул эди» десалар, бунга рози эмасман. Мен бунга ишонмайман. Биз қул эмас эдик. Еримиз босиб олинган, таланган, диёнатли инсонлар қатли ом қилинган, лекин биз қул бўлмаган эдик.

Бизга зўр бериб «қуллик психологияси»ни сингдиришга уринган эдилар. Скифлар ривояти ана шундай қуллик психологияси, кайфияти нима эканлигини жуда теран ифода этади.

«Арзончиликлар» ўша қуллик кайфиятларига жуда кучли таъсир кўрсатадиган ва даҳшатли кўникмалар ҳосил қиладиган ҳодисалардан бири эди. «Арзончилик» билан кўзларимизни бўяр эдилар. Ижтимоий огоҳликдан маҳрум этардилар.

Эллигинчи йилларда машҳур шоирнинг машҳур сатрлари мени кўп ўйлатар эди. Изтиробга солар эди. Севар эдим ўша сатрларни. Лекин ўй қургур тинчлик бермас эди: ватан «советники» бўлса, халқ «советники» бўлса, одам «советники» бўлса, газета, мактаб, ахлоқ «советники» бўлса, қўйинг-чи, инсон кўзи илғаган нимаики бор бари «советники» бўлса, унда биз ниманинг эгаси эдик ўзи?

*Азиз асримизнинг*
*азиз онлари*
*Азиз одамлардан*
*сўрайди қадрин...*

Сўз ҳам, шеър ҳам, оҳанг ҳам, нафосат ҳам шунчалар гўзал ва бетакрор бўладими? - дер эдим.

Аммо қайда эди азиз аср? Қайда эди азиз онлар? Қайда эди азиз одамларимиз? Қайда эди қадр-қимматимиз?

Ва... қандай эмас? Қандай эди?

Биз ўзимизни алдаб яшар эдик, чамаси.

Биз ўзимизни ўзимиз ром этиб яшар эдик, чамаси.

Истиқлолга чиққан, эркига эришган каби бошда дўппи чамбарак тутиб яшар эдик, чамаси.

Шоирнинг сатрлари эса асли у замон учун эмас, ҳақиқий бу замон учун ёзилган эди. Ва асл ҳақиқатини бу замонда топди.

Азизлик нималигини энди биляпмиз.

Истиқлолгина одамни азиз қилар экан. Мустақилликкина одамни у муносиб азизлик даражасига кўтарар экан.

Истиқлол мазмуни бугун Конституциямизга кўчди. Қонунларимизга кўчди. Қарашларимизга кўчди. Истиқлол ҳақ-ҳуқуқларимизни олтин китобга тўплаб бир тўплам нур қилиб қўлларимизга тутқазди. Азиз аср - мустақиллик асри, азиз онлар - мустақиллик онлари, қадр - мустақиллик қадри.

Ҳуқуқинг бўлса - қадринг, ибратинг бўлса - маънавиятинг бўлади. Маънавият бу - тўла-тўкис ибрат ҳодисасидир.

Собиқ совет раҳбарлик ўлчамларида салобат, виқор, индамаслик (ўз фикрини билдирмаслик) мезон қилиб олинган эди. Раҳбарлик 99,5 фоиз виқор ва салобат, қолгани бошқа хусусиятлар ҳисобланади.

Миллий мустақиллик миллий раҳбарларга қарашлар ва ўлчамларни ҳам тубдан ўзгартирди. Мустақиллик раҳбардан жонкуярлик, ғайрат-шижоат, халқ ишига фидокорликни талаб қилди. Миллий мустақиллик шароитида мамлакат ва халққа йўл кўрсата оладиган, тўғри йўлдан бошлаб бороладиган, йўлларнинг афзалларини белгилай оладиган, букилмас, оғишмас қудратли сиёсий иродага эга шахсларгина ақл бовар қилмас вазифалар кўламини бажара билади.

Давр давлат раҳбаридан ибрат мақомида собит туришликни тақозо этмоқда. Бугун давлатимиз раҳбарининг маънавият, маданият, иқтисодиёт, давлат ва жамиятни бошқариш ишларини тамомила янги изга кўчиришдаги салоҳияти, битмас-туганмас ғайрати халқ учун ибрат бўлмоқда, ибрат университетига айланмоқда.

Илгаридан раҳбарлар шундай бўлганларида нималарга эришмас эдик. Бу ибрат янги бўғинларни ҳаммадан кўпроқ тарбияламоқда, уларни келажак вазифалар, келажак кунларга тайёрламоқда.

Баъзан давраларда гап мусулмончилик устида боради. Шунда биродарларимга айтгим келади: мусулмончилик бу - ибрат. Ибрати бўлмаган одам комил мусулмон бўлолмайди. Мусулмон бошқалардан ибрати билан ажралиб турсин.

Ибрат, ибрат...

Яқинда Қирғизистонда бир анжуманда иштирок этиб, Чўлпонотадан ватанимизга қайтардик. Машинада олис йўл босиб Бишкекка етиб келдик. Аэропорт самолётимиз икки соатга кечикишини эълон қилди. Олис йўл босиб қаттиқ ҳориган кекса устоз Одил Ёқубов, Т. Қаипбергенов ҳолсиз қуруқ тахталар устига чўзилишди. Ҳувиллаган залларни айланарканман, рўпарамдан хушсуврат, озода кийинган, бошига ўзбекча тўр дўппи кийган қирқ ёшлардаги киши пайдо бўлди. Салом берди. Тавозе билан қуюқ сўрашди.

- Домла, йўл бўлсин. Бу томонларда... хизматда бўлайлик?

Ташаккур билдирдим. Самолётимиз Тошкентдан кечикаётганини айтдим.

У шу заҳоти меҳмонга таклиф этди. Шу яқин атрофда янги солган чойхонаси бор экан. Қўярда қўймай бизни шинам, жуда ораста, одамлар пайдарпай кириб чиқиб турган чойхонасига бошлаб борди. Мен мураббийларим қуруқ скамейка устида чўзилиб ётиш ҳасратидан қутулганликлардан хурсанд эдим. Бизни бошлаб келган биродарим дарҳол дастурхон ёзди. Бир зумда стол усти турли ноз-неъматларга тўлди. Қаҳрабодай тиниқ кўк чой келди. «Ичинг. Ҳаждан олиб келганман. Лўнқа, тоза чой», деб илтифот қилди мезбонимиз. Толиққан устозларимга жон кирди. Йўл заҳри унут бўлди. Бизни қариндошларидан ҳам ортиқ кўриб иззат қилган биродаримиз жалолободлик экан. Ҳижозда бир неча ой туриб келибди. Ҳаж маросимларини адо этибди. Қайтиб келгач, бу ерда мўъжазгина чойхона-ошхона очишга ижозат олибди. У бизга ҳаж таассуротларини сўйлаб берди. Сўнг охирида: -Ҳаждан ибрат олиб қайтдим, - деди кутилмаганда. - Мусулмончилик худди ўзбеклик каби турган-битгани ибрат экан. Одамнинг ибрати бўлмаса нима?...

Шундай яхши сўзни айтди биродаримиз. Биз вақт қандай ўтганини билмай қолдик. Самолётимиз келди. Биз хайрхўшлашдик. Одамгарчилик, саховат, бағрикенглик - ўзбекнинг ибрати. У ўз ибратини содда, самимий ва ўта табиий адо этди. У умр бўйи эсимизда қолди. Азизлик нима?

Миллий фазилатларнинг тажассуми ва ҳаракатга киришими?

Истиқлол шундай тажассум ва ҳаётий ҳаракатга йўл очди. Майдонлар яратди.

Ахлоқ, маънавиятда шундай тажассум ва ҳаётий ҳаракат кучайиб боради - қашшоқлик, ночорлик барҳам топади. Бу тажассумда ўзига тўқлик, кўзи тўқлик зоҳир.

Азизлик, иззат, ибрат топаман деган одам, аввало, ўз кўнглига ҳаж қилади. Қалбига ҳаж қилиб, унинг ибратини олгач, унга ҳамиша файзи илоҳий ёр бўлгай..

**Иброҳим ҒАФУРОВ.**

# МАҒРИБУ МАШРИҚНИ ТУТАШТИРГАН ТАРАҚҚИЁТ

**Бугун мамлакатимизда Италия Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Романо Продининг расмий ташрифи бошланади**

***Қадимги Италия -- Рим тарихи Миср, Чин, Мовароуннаҳр тарихи янглиғ кўҳна ва теран-дир. Италия икки цивилизация -- Мағрибу Машриқ тараққиёти туташган жойда бўлганлиги боис, бетакрор маданият, мафтункор санъат, ўзига хос бўлган удум ва анъаналарига эга. Рим империяси даврида гуллаб-яшнаган маданият -- Уйғониш даврида янада мукаммал тус олди. Айниқса, ушбу даврда яшаб ижод қилган Леонардо да Винчи, Микеланжело, Жатто, Данте, Петрарка каби буюк мўйқалам соҳиблари ва шоирларининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси беқиёсдир.***



Ҳозирги кунда ҳам Италия халқи ўз аждодларига эҳтиром билан қараб, улар яратган маданиятни авайлаб изчил давом эттирмоқда.

Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлардан бири саналган Италия Ўрта ер денгизи маркази ва Ғарбий Европанинг жанубида жойлашган. Италия ҳақида фильмларни томоша қилар экансиз, ўтмиш ва бугунги куннинг уйғунлашиб, ажиб бир манзара ҳосил этгани гувоҳи бўласиз. Республика шаҳарлари замонавий осмонўпар бинолар билан бир қаторда ўрта аср меъморчилигининг нодир намуналари бўлган бетакрор обидаларга бой.

Италия жаҳондаги «ривожланган еттилик» мамлакатларидан бири. Мутассил равишда ўсиб бораётган Италия иқтисоди ҳақида ёзар эканмиз, унинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаган «Фиат», «Альфа-Ромео», «Феррари» автомобиллари, харидоргир пойафзаллари ва кийим-кечаги хусусида тўхтамасликка имкон йўқ.

Ўзбекистон -- Италия муносабатлари мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ўрнатилган бўлсада, сўнгги йилларда изчил ривожланиб бораётир.

1996 йилнинг июнида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Италияга сафари ўта муваффақиятли ўтди. Италия заминида, қадимий шаҳар — Флоренцияда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида «Шериклик ва ҳамкорлик» тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Мамлакатимизнинг Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар билан интеграциялашувига ҳуқуқий асос яратган ушбу битимнинг имзоланишида Италия ҳукуматининг муносиб ҳиссаси бор. Чунки ўтган йилда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ҳукумат ва давлат бошлиқлари Кенгашига Италия раислик қилгани ва Кенгашда ҳал қилувчи овозлардан бирига эга бўлганлигини айтиб ўтмоқ лозим.

Ўшанда мамлакатимиз раҳбари Италия Президенти Оскар Луиджи Скалфаро, мамлакат Бош вазири Романо Проди билан музокаралар ўтказди. Шу билан бирга, Президентимиз италиялик ишбилармонлар доираси билан ҳам учрашди. Учрашув италиялик ишбилармонларда мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга катта қизиқиш уйғотди.

Шу йилнинг 2-4 май кунлари эса Италия Президенти Оскар Луиджи Скалфаронинг мамлакатимизга расмий ташрифи Ўзбекистон -- Италия алоқаларини янги поғонага кўтарди.

Мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, сиёсий барқарорлик, тинчликсевар ташқи сиёсат дунёнинг етакчи давлатлари назаридан четда тургани йўқ. Ана шу омиллар Италиянинг Ўзбекистон билан қалин ҳамкорлик ўрнатишига асос бўлди.

Италия Президентининг мамлакатимизга сафари ғоят самарали кечди. Оскар Луиджи Скалфаро матбуот анжуманида Ўзбекистон -- Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорлик таянчи эканини эътироф этиши билан бирга, «Биз Марказий Осиёдаги сиёсатимизни Ўзбекистондаги вазиятдан, Ислом Каримовнинг юритаётган оқилона ташқи сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгилаймиз. Чунки, Ўзбекистон бу минтақадаги тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлайдиган ва кафолатлайдиган давлатдир», -- дея таъкидлади. Шуни ҳам айтиш лозимки, айни кунларда пойтахтимизда «Марказий Осиё -- ядро қуролидан холи зона» мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Луиджи Скалфаро ўз сафари чоғида республикамизнинг Марказий Осиёни ядросиз ҳудуд, деб эълон қилиш борасидаги таклифларини тўлиқ маъқуллаган эди.

Италия Президенти ташрифи давомида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган тўртта муҳим ҳужжат имзоланганди.

Ўзбекистон -- Италия муносабатларидаги иқтисодий жиҳат ҳам ҳар томонлама равнақ топмоқда. Италиянинг йирик фирма ва компаниялари Ўзбекистонга тобора кўпроқ сармоя киритмоқда. Мамлакатимиздан 40 дан ортиқ ўзбек-италия қўшма корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар ичида «Ўзпластитал», «Ўзиталмед», «ФАМ», «Италияфуд» корхоналари фаолдир. Шу боис, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳам муттасил ўсмоқда. Агар 1994 йилда 50 миллион доллар бўлган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 100 миллион долларга етди. Ўтган йил эса савдо обороти 142 миллион долларга тенг бўлди.

Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Романо Продининг мамлакатимизга бугун бошланажак расмий ташрифи халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган. Куни кеча Италия Бош вазири девонхонасидан олинган маълумотга кўра, Римда ушбу сафар икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожига муҳим туртки беришига ишонч билдиришмоқда. Манбанинг айтишича, Романо Продини сафарга юзга яқин ишбилармонлар, молиячилар ва давлат ташқи савдо муассасалари вакиллари кузатиб келишмоқда.

Буни эса юқорида таъкидланганидек, Италиянинг мамлакатимизга улкан қизиқиши намунаси, дея баҳоламоқ керак.

**Холмурод АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





*Элликқалъа туманидаги «Қилчиноқ» фермер хўжаликлари уюшмаси аъзолари йилни ҳар томонлама яхши кўрсаткичлар билан якунлаш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Фермерлар давлатга шартномадагидан 100 тонна кўп дон сотдилар. Далалардаги шоли, пахтанинг ҳам ривожи баланд. Айниқса, терим қизғин бошлаб юборилган пахтадан баракали хирмон кўтарилиши шубҳасиз. Чунки Андижон усулида барвақт экилган майдонларда мўл ҳосил етиштирилди.*

*Тадбиркорлар қайта ишлаш соҳасига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу йил биринчи навбати ишга туширилган консерва заводида ҳозир 25 киши ишлаяпти. Улар йил охиригача 3 миллион шартли банка конверса тайёрлашга аҳд қилишган.*

**СУРАТЛАРДА:** *омборчи Мадиёр Янгибоев тайёр маҳсулотлар сифатидан мамнун; Гўзал Матсапаева шарбат тайёрлаш ҳадисини олган ишчилардан.*

**А. МУРАТОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

## ТАЛАБАЛАР ПРЕЗИДЕНТ АСАРИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

***Маълумки, шу кунларда республикамиздаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосида махсус курслар ўқитилмоқда.***

Хусусан, Тошкент юридик коллежида ҳам мазкур асарда илгари сурилган кенг қамровли ғояларни талабалар онгига чуқурроқ сингдириш мақсадида 18 соатлик маъруза ва амалий машғулотлар режаси белгиланган эди. Айни пайтда коллеждаги кўзга кўринган олимлар, мутахассис-ўқитувчилар шу хусусда маърузалар қилишяпти. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, республика Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан биргаликда тайёрланган юртбошимиз асарини ўрганиш бўйича махсус курс дастури ва методик қўлланма уларга жуда қўл келяпти. Ўқув юрти кутубхонаси эса Президент асари билан етарлича таъминланган. Мазкур курсда талабалар мустақил мамлакатимизда 6 йил давомида эришилган улкан муваффақиятлар, республикамизнинг ички ва ташқи сиёсати асослари, унинг XXI асрда халқаро майдонда тутажак мавқеи, нуфузи сингари муҳим масалалар юзасидан чуқур билим олишмоқда.

Эътиборли жиҳати, талабалар ушбу дарсларга катта қизиқиш билан муносабатда бўлишяпти. Амалий машғулотлар чоғидаги асар юзасидан фикр алмашувлар ўтказиляпти, муҳокамаларда уларнинг ҳар бири фаол иштирок этишмоқда. Бу эса ёшларимиз қалбида истиқлолни қадрлаш, Ватанга муҳаббат, унинг келажагига нисбатан масъулик туйғулари тобора чуқур илдиз отаётганлигидан далолат беради.

Курс машғулотлари ниҳоясига етгач, коллежда юртбошимиз асари юзасидан катта илмий-амалий анжуман ўтказилиши мўлжалланган. Билим маскани ўқитувчи ва талабалари унга ҳозирданоқ алоҳида тайёргарлик кўришаяпти.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**« Халқ сўзи» мухбири.**

● ТАРАҚҚИЁТ ОСТОНАСИ

# ЎЗИМИЗНИНГ АКАДЕМИЯ

***Юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли иқтисодий ислоҳотлар банк-молия тизимини тубдан янгилаш ва бу соҳани малакали мутахассис-кадрлар билан таъминлашни тақазо этарди. Шу боис, Президентимизнинг 1996 йил 2 майдаги Фармони билан Банк-молия академиясининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Фармон қабул қилингандан сўнг бир йилдан кўпрок вақт ўтди. Яқинда академиянинг илк тингловчилари қўлларига диплом олишади. Мухбиримиз академия ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Мирсобит Очилов билан ўтган муддат ичида ушбу даргоҳда амалга оширилган ишлар, ўқитиш ва машғулотлар тизими, мутахассислар тайёрлашнинг замонавий усуллари, ўқув даргоҳининг халқаро алоқалари хусусида суҳбатлашди.***



**-- Ўзбекистон учун ҳам мазмун, ҳам моҳият жиҳатидан янгилик бўлган шундай мўътабар ўқув даргоҳининг ташкил этилиши шубҳасиз катта воқеа бўлди. Бу мамлакатимиз раҳбарияти ва ҳукуматининг банк-молия соҳасига алоҳида эътиборининг меваси десак тўғри бўларди.**

-- Дарҳақиқат шундай. Ўтган йили ноябрь ойида академиямиз очилиши маросими муносабати билан Президентимиз академиянинг илк тингловчилари ва профессор-ўқитувчиларга йўлланган табрикномасида янги ўқув маскани мамлакатимизда иқтисодий таълим тизимида муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Банк-молия академия зиммасига халқаро андозаларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашдек масъулиятли вазифа юклатилган. Айниқса академия биносини энг замонавий усулда таъмирлаш ва жиҳозлашда ҳам биз алоҳида эътиборни сезиб турдик.

**-- Дарвоқе, академиянинг ўқув базаси тўғрисида ҳам маълумот берсангиз.**

-- Бу бора Ўзбекистон банклари ассоциацияси яқиндан ёрдам берди. Энг аввало, 20000 жилддан ортиқ жаҳоннинг энг нодир нашрларига эга бўлан кутубхона ташкил қилдик. Айни пайтда махсус ўқув зали, синхрон таржима тизими билан жиҳозланган мажлислар зали, илмий кенгашлар зали, тингловчиларнинг мустақил ишлашлари учун компьютер ва махсус лингафон хоналари мавжуд. Ўқув даргоҳидаги барча аудитория ва ўқув хоналаридаги компьютерларга пульт бошқарувли мослама ўрнатилган ва у академиянинг компьютер маркази билан боғланган. Ўқув хоналарнинг барчаси тараққий этган Ғарб мамлакатларникидек замонавий телеахборот алоқалари тизими ҳамда видео ва аудио аппаратлари, график тасвирларни катталаштириб кўрсатувчи компьютер техникаси тизими билан жиҳозланган.

**-- Мирсобит ака, энди академиянинг ўқув тизими, мутахассисликлар йўналишлари хусусида ҳам гапириб ўтсангиз.**

-- Академияда тингловчиларимиз 14 ойлик ўқув дастури асосида танланган мутахассисликлар бўйича назарий билимлар олиб монитар сиёсат ва пул муомаласи молиявий менежмент, активлар ва пассивларни бошқариш, инвестиция лойиҳа молиялаштириш ва комплекс экспертиза қилиш, халқаро молия бозорларидаги операциялар ва банк аудити йўналишлари бўйича магистр унвонига эга бўлдилар.

Бундан ташқари, инглиз тили мукаммал даражада ўргатилади. Қарийб барча тингловчиларимиз ривожланган хорижий мамлакатлардан бирида тажриба ўрганиб қайтадилар. Масалан, яқинда тингловчиларимиз Англия, Япония, Голландия, Туркия сингари мамлакатларда бўлиб малака ошириб келдилар.

Шу йилнинг январь ойидан бошлаб олти ойлик дастур асосида банк ва молия раҳбар ходимларини қайта тайёрлайдиган малака ошириш факультети иш бошлади.

**-- Сиз юқорида санаб ўтган мутахассисликлар, фанлар ёш мустақил мамлакатимиз учун анчайин янги бўлиб, ҳали бу борада таълим берадиган етук ўқитувчи-профессорларимиз бармоқ билан санарли...**

Гапингизни тушундим. Аввало академияда мавжуд ўнта кафедрага бириккан кўплаб тажрибали профессор-ўқитувчиларни борлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Албатта, бозор иқтисодиётига ўтаётган мустақил давлатимиз учун жаҳон андозаларига мос банк-молия тизими нисбатан янгилик. Шу боис, мутахассисларимиз ҳам ҳозирча камроқ. Лекин биз қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Жаҳондаги йирик молия ва банк ташкилотларидан мутахассислар таклиф этиб, уларнинг мазмундор маърузаларидан тингловчиларимизни баҳраманд этмоқдамиз. Академиямизда бўлиб маъруза ўқиган хорижлик мутахассислардан БМТ эксперти, Жаҳон банки фахрий вице-ректори, доктор Лефебвр Морис, АҚШ Консалтинг гуруҳи президенти Мак Нейл хоним, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Х. Молинес, Европа тараққиёт ва реконструкция банки вице-президентининг ўринбосари Давид Хекстер, Халқаро валюта фонди директорининг биринчи ўринбосари Стенли Фишер (АҚШ), Япония Молия вазирлиги қошидаги фискал ва монитар сиёсат институтининг президенти жаноб Курода ва бошқа кўплаб дўстларимиз номини самимий ҳурмат билан эслатиб ўтишни жоиз деб биламан.

Мавриди келди, академияда етакчи хорижий давлатлар билан бевосита илмий-амалий алоқалар боғлаш дастурлари тузилиб, бир қатор шартномалар имзоланганлиги эслатиб ўтмоқчиман. Мазкур битимларнинг амалий натижаси туфайли академиямиз тингловчилари Буюк Британиянинг Нордхемшер шаҳридаги Бизнес академияга, Япониянинг Токио шаҳридаги Халқаро ўқув марказига, Туркиянинг «Зироат» банки, «Вақафбанк» сингари етакчи банк муассасаларига, малака ошириш факультети тингловчилари эса Нидерландиянинг «Маастрих ўқув ва тажриба маркази»да тажриба орттириб келдилар.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги -- юксалишлар даврига қадам қўймоқда. Бу эса банк-молия тизим ходимлари олдига ҳам кенг қўламли вазифаларни ҳал этишни тақозо қилмоқда. Эндиликда тафаккуримизни эскича иш юритиш усулларидан халос қилмасдан туриб олдинга силжишимиз қийин. Фақат тинимсиз изланиш, янгиликка интилиш, дунёга очиқ нигоҳ билан қараш орқалигина кутилган натижаларга эришиш мумкин. Банк-молия тизимларига ижобий ўзгаришлар ва ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи кучлари академиямизда таҳсил олаётган шу соҳа мутахассислари бўлишига катта умид билан қарамоқдамиз.

**«Халқ сўзи» мухбири,**
**Жалолиддин САФОЕВ**
**суҳбатлашди.**

